



УЎК: 636.084.11/12

## АНГОР ЗОТЛИ ТАКА ВА ОНА ЭЧКИЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

**Давронов Бахтиёр Хасанович**

Термиз давлат мұхандислик ва агротехнологиялар университети,  
Зооинженерия, ветеринария ва ипакчилик кафедраси. қ.х.ф.ф.д (PhD),

**Жумаева Нодира Чориевна**

Зооинженерия таълим йўналиши талабаси

**Аннотация:** Мақолада жундор эчкилар сурувида такалар ва она эчкилардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишда ҳар бир эркак ва урғочи эчки билан индивидуал тартибда шуғулланиш, уларнинг ота-она аждодлари, шунингдек хўжалик учун фойдали селекция белгиларига қараб танлаш ва саралаш, озиқлантириш, маҳсулдор жундор такалар жундор она эчкиларни билан қочириш ва қисир қолган эчкиларни ўз вақтида қочириш чораларини кўриш каби масалалар ёритилади.

**Калит сўзлар:** маҳсулдорлик, ўсиш, ривожланиш, баҳолаш, насл ўзаги, жинс, така, она эчки, танлаш, саралаш, озиқлантириш, рацион, бокувдаражаси.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Ангор зотли така ва она эчкиларнинг жун маҳсулдорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот материаллари ва услублари:** ангор зотли такалар, она эчкилар, ёш улоқчалар. Зоотехнияда ангор эчкиларни тивит ва жун маҳсулдорлигини баҳолаш усусларини куллаш.

**Тадқиқотнинг долзарблиги:** Ангор зотли эчкичилик селекциясида ангор зотли эчкиларнинг генофондини сақлаш ҳамда уларнинг авлодларини сақлаш ва уларнинг авлодларини жадал кўпайтириш учун ангор зотли эчкиларни соф зотли урчитиш усусларини қўллаш билан бирга, сурув ичидаги линияларни аниқлашда танлаш ва саралаш усусларини қўллаш ва наслли таканинг наследорлигини баҳолаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

**Тадқиқотни ўтказиш жойи ва услублари.** Тадқиқотлар Наманган вилоятининг Чуст туманидаги “Чуст дашт оқ сув” фермер хўжалигидагижундор ангор зотли эчкиларни баҳолаш услубига мувофиқ олиб борилди.



**Тадқиқот натижалари.** Ангор зотли такалар ва она эчкилардан туғилган улоқларни наслдорликсифатини эрта барвақт аниқлаш, такалардан навбатдаги урчитиш жараёнларда селекция - наслчилик ишларида фойдаланиш даражасини орттириш селекция ишининг асосий вазифаси ҳисобланди.

Жун йўналишидаги эчкилардан туғилган урғочи улоқларни соғлом ўстириш тадбири ўта мухим ва мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Айниқса, ёш улоқларни даврлар бўйича ўстириш, жадал вояга етиштириш ва қочиришга эрта тайёрлашда ҳар бир улоқни индивидуал тартибда ўрганиб бориш мухим ҳисобланалди. Жундор эчкилар авлодларининг келиб чиқиши, зоти ва зотдорлиги, ота-оналарининг маҳсулдорлиги, ёш улоқларнинг ўсиш ва ривожланиши каби бир қатор хўжалик учун фойдали селекция белгиларига эътибор қаратилди.

Ёш улоқлар ота-оналарининг келиб чиқиши, экстеръери, конституцияси, зот андозаси талабларига мос равища ўсиши ва ривожланиши ҳамда улвр бонитировка класслари бўйича баҳоланади ва классларга ажратилади. Бу тадбир жундор эчкичиликда ута мухим ҳисобланади. Шунинг учун хам бонитировка давомида элита ва I класс билан баҳолангандан ёш улоқлардан насл ўзаги шакллантирилади ҳамда селекция ишларида мақсадли фойдаланилди.

Ёш урғочи улоқчалар биологик хусусиятига кўра 4,5-5 ойлигига жинсий етилади, лекин 18 ойлигига тўлиқ физиологик етилгандан сўнг қочирилади.

Иссиқ табиий иқлим шароитида жорий йилда туққан жундор она эчкилар, яъни йилнинг иккинчи ярими июл ойида ёш улоқчалари мажбурий сутдан чиқарилади. Шундан сўнг она эчкиларга икки ой давомида қўшимча озуқалар берилиб қочириш мавсумига тайёрланди.

Урғочи ёш улоқлар сут ичиш даври тугагандан сўнг, июл ойида, эркак ва урғочи жинслари бўйича янги гурухларга ажратилади ва улардан янги сурув гурухлари шакллантирилди.

Сурувда парваришланаётган ўтган йили март ойида туғилган ва 18-21 ойлик урғочи улоқлар, жорий йилда тўлиқ қочиришга тайёрланади. Вояга етган урғочи улоқларни жун йўналишига мансуб ангор зотли наслдор такалар билан қочиришда саралаш режаси ишлаб чиқилди. Саралаш даврида ёш урғочи улоқчаларга ёши вояга етган маҳсулдор наслдор такалар танланади ва



жуфтлаштирилди. Етук ёшдаги она эчкиларга ўрта ёшдаги ҳамда ёш такачалар жуфтлаштирилди.

Эчкиларни қочириш мавсумида она эчкилар ҳамда вояга етган урғочи улоқлар табиий усулда қочириш режалаштирилиб, шахобча ташкил этилади ва тажрибали мутахассис билан таъминланади.

Она эчкиларни табиий қочиришда фойдаланиладиган наслли такалар авлоларининг сифатига қўра баҳоланганд ҳамда уруғларининг сифати ва уруғларининг бир томонга ҳаракати бўйича балл билан баҳоланади.

Наслли такалар она эчкиларни қочиришга 60 кун қолганда июл-август ойларида мавсумга тайёрлаш тадбири ўтказилиб, барча қочириш ёшидаги она эчкилар ва тўқлилар ҳамда наслли такалар ветеринария кўригидан ўтказилади.

Наслли такаларни асрар ва озиқлантирилишига алоҳида эътибор қаратилади. Сурувда фойдаланиладиган наслдор такаларнинг ёшига қараб фойдаланиш муддатига қараб озиқлантирилади. Наслдор такаларнинг рационига ўзгартириш киритилади. Такаларнинг рациони сифатли пичан, оқсилга бой кучли озуқа, витанимли озуқа ҳамда ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар билан бойитиб борилади 1-жадвал.

#### 1-жадвал

Жун йўналишидаги наслдор такаларнинг намунавий озиқлантириш рациони

Озуқа турлари	Озуқа таркиби							
	Озуқа, кг	Озуқа бирлиги, кг	Куруқ модда, г	Алмаш. энергия, МЖ	Ҳазмл. протеин, г	Са, г	P, г	Каротин, мг
<b>Қочириш мавсумигача бўлган даврда, тирик вазни 60-70 кг</b>								
Пичан	1,5	0,63	1264	1,05	61,5	10,35	2,55	37,5
Кўк ўт	3,1	0,46	672	4,4	71,3	7,7	1,3	15,0
Маккажўхори ёрмаси	0,2	0,23	170	0,274	14,4	0,08	0,54	0,08
Омухта ем	0,5	0,35	425	0,465	48,5	1,0	4,8	0
<b>Жами:</b>	<b>-</b>	<b>1,67</b>	<b>2471</b>	<b>6,189</b>	<b>194,7</b>	<b>19,13</b>	<b>9,19</b>	<b>52,58</b>
<b>Такалардан кунига 2-3 маҳал фойдаланилганда, тирик вазни 60 ва ундан ортиқ кг</b>								
Пичан	2	0,84	1686	1,4	82	13,8	3,4	50



Қизилсабзи	0,5	0,06	10	0,185	3	0,45	0,3	27
Тухум	1 дона	0,44	270	0,55	110	0,5	1,1	0
Маккажүхори ёрмаси	0,3	0,345	255	0,411	21,6	0,12	0,81	0,12
Омухта ем	0,5	0,355	425	0,465	48,5	1	4,8	0
<b>Жами</b>		<b>2,045</b>	<b>2646</b>	<b>3,011</b>	<b>265,1</b>	<b>15,87</b>	<b>10,41</b>	<b>77,12</b>

Жадвалда келтирилган рационга мувофиқ наслли такалар озиқлантирилади, такаларни семириб кетишга йўл қўйилмайди. Қочириш мавсумида такаларнинг семизлик даражаси завод кондициясида бўлиши таъминланади.

Жундор эчкичилиқда қочириш ёшига етган урғочи улоқларни қочиришга тайёрлашда, уларнинг тирик вазни етук ёшдаги она эчкilar тирик вазнининг 70-80 фоизини ташкил этиши таъминланди.

Сурувда парваришлианаётган ёш урғочи улоқларни яъни биринчи марта қочирилаётган 15-16 ойлик улоқларга сифатли озиқлантириш рациони ва озуқалар таркиби қўйидаги озуқалардан иборат бўлиши (2-жадвал) таъминланади.

## 2-жадвал

### Наслли урғочи улоқларнинг намунавий озиқлантириш рациони

Озуқа турлари	Озуқа таркиби							
	Озуқа, кг	Озуқа бирлиги, кг	Куруқ модда, г	Алмаш. энергия, мж	Ҳазмл. Протеин . г	Са, г	Р, г	Каротин, мг
Пичан	2,0	0,84	1686	1,4	82	13,8	3,4	50
Омухта ем	0,3	0,21	255	0,3	29,1	0,6	2,8	0
<b>Жами:</b>	<b>-</b>	<b>1,05</b>	<b>1941</b>	<b>1,7</b>	<b>111,1</b>	<b>14,4</b>	<b>6,2</b>	<b>50</b>

Жундор она эчкilar улоғидан ажратилгандан сўнг қочиришга икки ой қолганда, бир кунда бир бош эчкига 3 кг-дан пичан ва 300 г-дан кучли озуқа (омухта ем) берилади. Қочириш мавсумида она эчкilarнинг семизлик даражаси ўртacha семизликда бўлиши таъминланади.

Жун йўналишидги она эчкilarга маҳсулдорлиги юқоритакалар жуфтлаштирилади ва қочириш шахобчасида она эчкilar табиий усулда ургулантирилади. Айrim сабаблар билан қочмасдан қолган қисир эчкilarни табиий усулда қочириш чоралари кўрилади.



Кейинги йилларда хўжалиқда қабул қилинган технология асосида эчкilarдан яхши даромад олиш мақсадида урғочи улоқларни эрта қочириш ва эрта тұғдирish технологияси күлланилмоқда.

Ёш урғочи улоқчаларнинг биологик хусусиятига қараб 13-14 ойлигida қочирилганда, бу ёшдаги барча улоқлар тұлық қочмайды ва аксарият үсув ёшидаги урғочи улоқлар тұлық жинсий вояга етилмаганлиги боис қисир қолади. Шунинг учун айrim хўжаликларда ҳам улоқларни табиий иқlim шароити ва асрash муҳитидан келиб чиқиб, иссиқ иқlim шароитида улоқларни 15-16 ойлигida табиий қочириш тавсия этилади.

Ёш урғочи улоқларни барвақт қочиришдан мақсад, эчкilar бosh сонини жадал кўпайтириш ва ҳар 100 бosh она эчкidan 110-120 бошдан улоқ олиш ҳамда келгusi йил август ёки сентябр ойларида эркак улоқларининг тирик вазнини 30-35 кг-га, урғочи улоқларининг тирик вазнини 28-30 кг-га etkazib ўстиришга эътибор қаратилади.

Жундор она эчкilarни қочириш муддати октябр ойига ва улардан бола олиш муддати март ойига тўғри келади. Қочирилган она эчкilarдан соғлом улоқ олишда асосий кўрсаткичлардан бири, бу қиши фаслида эчкilar тугруқхонасидаги хона ҳароратини  $+8^{\circ}\text{C}$   $+12^{\circ}\text{C}$  кам бўлмаслиги ҳамда хонадаги энг мақбул ҳароратни  $+14^{\circ}\text{C}$  сақлашни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жундор она эчкilar йилнинг октябр ойида қочирилганда, улардан март ойида улоқ олинади. Бу даврда яйлов ўсимлигининг бўйи 5 см-га etadi, она эчкilar bemalol яйлов ўтларидан истеъмол қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу даврда тукқан она эчкilarни яйловда ўтлатишдан ташқари қўшимча 1,0-1,5 кгдан қуруқ пичан ҳамда 150-300 г-дан кучли озуқаберилади.

Йил давомида яхши озиқлантирилган улоқларнинг тирик вазни феврал ойида туғилган улоқларнинг тирик вазnidan қолишмайди. Ёш такачалар тирик вазни 30-32 кг-ни, урғочи улоқлар тирик вазни 23-25 кг-га etadi.

### Хуносалар

Ёш урғочи улоқчалар биологик хусусиятига кўра 4,5-5 ойлигida жинсий etiladi, lekin 16 oйлиgida tўlyik fiziologik etilgandan sўng қочирилади.

Иссиқ табиий иқlim шароитида жорий йилда тукқан жундор она эчкilar, яъни йилнинг иккинчи ярими июл ойида ёш улоқчалари мажбурий сутдан



чиқарилади. Шундан сўнг она эчкilarга икки ой давомида қўшимча озуқалар берилиб қочириш мавсумига тайёрланади.

Қочириш мавсумида такаларнинг семизлик даражаси завод кондициясида бўлиши таъминланади. Жундор эчкичиликда қочириш ёшига етган урғочи улоқларни қочиришга тайёрлашда, уларнинг тирик вазни етук ёшдаги она эчкilar тирик вазнининг 70-80 фоизини ташкил этади.

Ёш урғочи улоқларни ҳамда она эчкilarни қочиришга тайёрлашда ҳар бирини индивидуал тартибда ўрганиш ва ота-она аждодларининг хўжалик учун фойдали селекция белгиларига қараб танлаш ва саралаш, жундор она эчкilarни маҳсулдор наслли такалар билан табиий усулда қочириш чораларини ўз вақтида амалга ошириш, ҳар бир она эчкidan йилига камидан биттадан ва ундан ортиқ насл олиш жундор эчкичиликда юқори самара келтиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каракулов А. Б. и др. – О создании высокопродуктивной Таджикской породы шерстных коз. В кн. Совершенствование племенных и продуктивных качеств разводимых пород животных, птиц и пчел Таджикистана. Душанбе 2004, С.3.
2. Кияткин П. Ф. – Пути и методы выведения новой породы шерстных коз. Т. 1968, С.259.
3. Косимов М. А. – Козоводство. Душанбе 2005, С.69.
4. Мельников. И. В., «Разведение и выращивание коз», Москва, 2012 г.С.23.
5. Чикалев А.У. Нормированное кормление коз. Ж. Кормление сельскохозяйственных животных. М. 2006, № 9, С. 45-48.
6. Эшматов И.Я. Сутдор эчкilarни асрash ва озиқлантириш бўйича тавсиянома. Тошкент, 2017
7. Юсупов С. и др. – Козоводство: состояние и перспективы развития Т. Ж. “Зооветеринария” № 8. 2016, С. 30-32.